



«ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАХАЛЛА ХУКУК ТАРТИБОТ МАСКАНИ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ДОИР ФАОЛИЯТИ»

Норқўзиев Шохжакон Шерзодбек Ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
3-ўқув курс 309-гуруҳ курсанти

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар суд-хукуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишга замин яратди. Шу билан бирга, мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари суд-хукуқ тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади¹

2014 йил 14 майда қабул қилган «Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Асосий тушунчалар»га бағишлиган З-моддасида хукуқбузарликлар профилактикасига қуйидагича таъриф берилган: «Хукуқбузарликлар профилактикаси – хукуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хукуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хукуқбузарликлар умуний, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хукуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқачора-тадбирларитизими»².

Айнан мазкур таърифдан ҳамда ички ишлар органларининг ижтимоий-хукуқий мақоми, тизими, функция ва вазифаларидан келиб чиқиб, хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад қонунда берилган ваколатлар доирасида, соҳавий хизматлар имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, фуқароларнинг хукуқий онги ва маданиятни шакллантириш, шунингдек ғайриижтимоий хулқатворга эга ва хукуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш, профилактик

¹ Ш.М.Мирзиёевнинг "Суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга 21.10. 2016 йил

² 2014 йил 14-майдаги "Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги конун. Манбаа: Lex.uz.сайти: <https://lex.uz/acts/-2387357>



таъсир кўрсатиш орқали уларнинг ахлоқини тузатиш, фуқароларни хуқуқбузарликларнинг турлари, содир этилиш усул ва воситалари, ижтимоий хавфи ва бошқалар ҳақида огоҳликка чақириш, хуқуқбузарликлардан жабрланган ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил ва хуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиниши ва ижтимоий мослаштирилишида кўмаклашиш кабилардан иборат³

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Биз адолат-қонун устиворлигига» деган тамоил асосида жамиятимизда қонунга хурмат, хуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада хуқуқбузарликларни олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларнинг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор⁴ деб таъкидлаб ўтди.

Профилактика инспектори ўз фаолиятида ҳар томонлама фуқороларга ўрнак бўла олиши, ички ишлар органлари ходими деган юксак номга муносиб юриш туриш ва хулқ атворга эга бўлиши керак. Биз бундай хулқ-атвор қаторига: чидамлилик, бардошлилик, мардлик, олийжаноблик, камтарлик, босиқлик каби сифатларни киритиб ўтамиз. Профилактика инспектори доимо унинг қиёфасига унинг муомаласига қараган ҳолда бутун ички ишлар идоралари ходимларига баҳо беришини унутмаслиги, шу сабабли унинг зиммасидаги юксак маъсулятни англаған ҳолда вижданан ишга муносабатда бўлиши керак.

Мамлакатимизда хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар, хусусан, аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017– 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида“ нотинч оиласалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган,“оммавий маданият“ таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналари масъулиятини ошириш,

³ Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ўкув кўлланма С.Б Хўжақулов Тошкент 2017. 5-бет

⁴ Шавкат Мирзиёев.«Конун устиворлиги ва инсон манфаатларини тамиллаш-юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови».Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига багишиланган тантанали маросимдаги маъруzasи/ Ҳалқ сўзи.-2016. №243(6678).- Б.1-3.

кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси“ каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Бу эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига илғор иш усулларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик ташкил этишни тақозо этади.

Бугунги кунда ҳудудларда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишилари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқатвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиласидиган омиллар оиласдаги муҳит таъсирида юзага келади. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиласдаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим рол ўйнайди.

Ички ишлар органлари ходимлари тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишда биринчи бўғинлардан бири бўлиб, ходимларнинг малакаси ва зўравонлик содир этилган ҳолларда амалга оширилган дастлабки ҳаракатлари катта аҳамиятга эгадир. Амалиётда кўп ҳолларда, ички ишлар органлари ходимлари томонидан жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсни қандай бўлмасин яратшириш учун ҳатти-ҳаракатлар қилиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Айниқса, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган тухмат ва ҳақорат қилиш ҳолати бўйича қўзғатилган маъмурий ишлар судгача етиб бормасдан, ариза берган тарафни ўз аризасини қайтариб олишга ундаш ёки яратшириш билан якунлаш ҳолатлари хам мавжуд. Афсуски, бундай ҳолатларнинг мавжудлиги оила турмуш доирасидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг латентлик даражаси ошиб кетиши ҳамда такрорланишига олиб келмоқда. Натижада айрим ҳуқуқбузар шахслар содир этган ҳатти-ҳаракатлари учун ҳеч қандай жавобгарликка тортилмасдан колмоқда.

Ўз хизматлари юзасидан ички ишлар органлари ходимлари тўғридан-тўғри жабрланувчилар ва ҳуқуқбузарлар билан тўқнашиб, зўравонликнинг гувоҳи бўладилар. Уларнинг малакали ёрдам кўрсатишлари, айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишига жабрланувчининг кейинги тақдири ва ҳаёти боғлиқдир.

Кўп ҳолларда айнан оиласдаги зўравонлиқдан жабрланган шахслар ўзларига етказилган зарар ҳақида ички ишлар органлари ёки тиббиёт муассасаларига мурожаат қилишмайди. Бу кўпинча аёлларда кузатилади. Судтергов идораларидан олинган маълумотлар ўрганилганида, аёлларга нисбатан эри томонидан зўравонлик ишлатилган тақдирда ҳам бу ҳақидаги



маълумотларни ошкор қилмасликка, шундай ҳолатларни яширишга ёки тиббиёт муассаларига мурожаат қилган тақдирида ҳам олган тан жароҳатини ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида олганлиги билан изоҳлашга ҳаракат қилишади. Бунинг асосий сабабини, аёлларнинг оиланинг бузилиб кетишидан қўрқиши, оила сирини ташқарига чиқармасликка интилиши деб изоҳлаш мумкин.

Кўп ҳолларда жабрланувчилар ўзининг салбий хулқ-атвори, ахлоқи, маънавиятсизлигини намоён қилиб, жиноятнинг жабрланувчисига айланади. Бунинг асосий сабаби жабрланувчининг виктим (ифвогар) хулқ-атворидир.

Зўравонликнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларида виктимоген омилларни аниқлаш, бартараф этиш, заарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтириш, виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, тазиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш бўйича саъй-харакатларни доимий равишда изчил амалга ошириш содир этилаётган зўравонликнинг камайишига олиб келиши аниқ.

309- гурух курсанти

Ш.Ш. Норқўзиев

